

“06” январ 2022 йил.

Тошкент шахри

Низом асосида фаолият юритадиган “Хуррият” газетаси таҳририяти номидан бош мухаррир А.П.Жумакулов, (бундан бўён “Таҳририят” деб юритилади) бир томондан, Жумакулов асосида фаолият юритаётган Тошкент ахборот технологиялари университети (кейинги матнларда “Буюртмачи” деб юритилади) номидан ректор Б.Маҳкамов иккинчи томондан, биргалиқда “Томонлар” деб аталувчилар ўргасида куйидаги мазмундаги мазкур шартнома тузилди.

I. ШАРТНОМА МАЗМУНИ:

1.1. Мазкур шартномага асосан “Буюртмачи” “Хуррият” газетасига шартноманинг 2.1 бандида кўрсатилган миқдор ва баҳо асосида 2022 йил учун обуна бўлади, “Таҳририят” томонидан “Обуначи” тақдим килган тақсимот асосида газетани йил давомида етказиб бериш мажбуриятини олади. Газета 2022 йил 1 январдан 31 декабрга кадар жами 52 та сон, 8 саҳифада, тўлиқ рангли А-2 ҳажмида чоп этилади. “Буюртмачи” эса нашр учун обуна пулини мазкур шартноманинг 2.1 ва 3.1 бандларига асосан тўлайди.

II. НАШРНИНГ ОБУНА БАҲОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ:

2.1. Нашрнинг 2022 йил учун “Таҳририят” томонидан белгиланган обуна баҳоси Тошкент шахри ва Ўзбекистон Республикасининг вилоят, туман (шахар)даги тегишли манзилларига почта орқали етказиб бериш шарти билан қўйидагича белгиланади:

Нашр индекси	Нашр номи	Чоп этиш тили	Формат и	Босмадан чиқадиган кун	1 нусха газетанинг йиллик таҳририят обуна баҳоси (сўмда)	Нусха сони	ҚКС сиз	Жами баҳоси
233	“Хуррият”	ўзбек	A2 8 бет	чоршанба	520.000	10	—	5 200 000

Сумма сўз билан: беш миллион икки юз минг сўм

III. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ:

3.1. “Буюртмачи”:

— Газета учун обуна пули олдиндан 100 (юз) фоиз миқдорида мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб узоги билан 10 (үн) банк иш куни ичидаги “Таҳририят”га пул ўтказиши ўюли билан тўлаш мажбуриятини олади, Молия вазирлигининг Фазначилик бўлимлари орқали тўловлар амалга оширадиган ташкилот ва муассасалар “Томонлар” тарафидан мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб узоги билан 30 (уттиз) банк иш куни давомида 100 (юз) фоиз ҳажмида тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

3.2. “Таҳририят”:

— “Буюртмачи”нинг тақсимоти асосидаги манзилларга газетани почта бўлимлари орқали ёки ўз имкониятларидан келиб чиқиб етказиб бериш мажбуриятини олади. Тегишли хисоб-фактураларни белгиланган тартибда электрон тарзда “Буюртмачи”га жўнатади.

3.3. “Буюртмачи”:

— Нашрлар ўз вактида етказиб берилишини, етказиб бериладиган нашрнинг обуна сони тўликлигини “Таҳририят”дан таълаб килиш, шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки тўлиқ даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар копланишини “Таҳририят”дан белгиланган тартибда таълаб килиш хуқукига эгадир.

3.4. “Томонлар” ўртасида шартнома шартлари бажарилмаган ҳолларда ёки қисман бажарилмаган ҳолларда бу хусусида ўзаро далолатнома тузилади ва ўзаро тасдиқланади, ушбу далолатнома мазкур шартноманинг ижроси юзасидан тегишли хуқукий кучга эга бўлади.

3.5. “Буюртмачи” томонидан шартномада кўзда тутилган тўлов кечикирилган ҳолларда “Таҳририят” га ўтказиб юборилган хар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечикирилган тўлов суммасининг 40 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пена тўлади.

3.6. “Таҳририят” томонидан шартномада кўзда тутилган газета чоп килинмаганда ёки тўлиғича чоп этилмаган тақдирда ва ёки газета чоп килинган бўлсада, “Буюртмачи”га ўтказиб берилмаган ёки қисман ўтказилмаган ҳолларда “Буюртмачи” томонидан “Таҳририят” га ўтказилган маблаг етказиб берилмаган газета учун олинган маблаг тўлиқ қайтариб берилади, қайтариб бериш учун ўтказиб юборилган хар бир кун учун эса “Таҳририят” “Буюртмачи”га кечикирилган хар бир кун учун тўлов суммасининг 0,5 фоизи миқдорида, аммо мазкур шартнома умумий суммасининг 40 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пена тўлади.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ:

4.1. “Томонлар” мазкур шартнома бўйича ўз зиммаларига олган мажбуриятлари учун амалдаги конунчиликка асосан жавобгардирлар.

4.2. “Томонлар” мазкур шартномани бир томонлама бекор килишига йўл қўйилмайди

4.3. Ушбу шартнома бўйича барча тушинмовчилик ва келишмовчиликлар аввало ўзаро музокара йўли билан, бунинг имкони бўлмаган ҳоллардагина амалдаги конунларга биноан суд тартибида ҳал этилади.

V. ФОРС-МАЖОР:

5.1. Мазкур шартнома имзолангандан сўнг “Томонлар”га боғлик бўлмаган, яъни олдини олиши мумкин бўлмаган фавкулотда ҳолатлар (сув тошкни, зилзила, табиий оғатлар, мамлакатда уруш ҳолатларі юз берганда, Ҳукуматнинг “Томонлар” фаолиятига доир таъқиловчи карор, ёки фармойишлари чиқиши) яъни форс-мажор ҳолатлар саналади. Шартнома шартларининг тўлиқ ёки қисман бажарилмаслиги форс-мажор ҳолати туфайли келиб чиқсанда, бу ҳақда “Томонлар” ўзаро келищув баённомалари тузишлари лозим.

5.2. Форс-мажор ҳолати юз берган тақдирда “Томонлар” бошқа томонни бу ҳақда 24 соат ичидаги ёзма ёки оғзаки хабардор килиши шарт.

VI. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ:

6.1. Шартнома икки нусхада тузилиб, “Томонлар” тасдиқлаган кундан эътиборан конуний кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга кадар амал қилади.

VII. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ, ИМЗОЛАРИ:

“ТАҲРИРИЯТ”

“Хуррият” газетаси таҳририяти
Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30-й.

Х/р: 20212000903973590001

ТИФ “Миллӣ банк” Амалиёт Бошқармаси

МФО: 00451, ИИН: 202 743 398

ОҚЭД: 58130, ОКОНХ: 87100

телефон: (871) 244-32-80, 244-32-70

А.П.Жумакулов
(имзо)
(Ф.И.Ш.)

Юрист: X. Қодиров



“БЮҮОРТМАЧИ”
ТУИТ им. Муҳаммада ал-Хоразмий (контракт)
г. Тошкент, Юнусабадский р-н, ул. А. Темура-108
Казначейство Министерство Финансов РУз.
р/сч: 2340200030010001010 ИИН: 201122919
РКЦ ГУ Центр Банк
л/сч: 400910860262667094100078001
МФО: 00014, ИИН: 201059323 ОҚЭД: 85420

(имзо) (Ф.И.Ш.)
Юрист: Shagimber T. Temirov



O'ZBEKİSTON MATBUOT VA AXBOROT AGENTLIGI

OMMAVIY AXBOROT VOSITASI
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILGANLIGI TO'G'RISIDA
GUVOHNOMA

№ 0080

Nomi “Хуррият”
Tarqatish shakli газета
(*gazeta, jurnal va boshqalar*)
Til(lar)i ўзбек
Muassis(lar)i Ўзбекистон Журналистлари ижодий уошмаси

Ixtisoslashuvi Ижтимоий-сиёсий бўлиб, Ўзбекистон Республикаси мустакиллигини мустахкамлаш, хукукий-демократик давлат, фуқаролик жамиятини шакллантиришга кўмаклашиш
Tahririyat manzili 700011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 16 ўй

Tarqatish hududi Республика бўйича

Berilgan sanasi 03.01.2007й.

Ro'yxatdan o'tkazuvchi
organ rahbari - ахисев - B. Sh. ALIMOV



Ushbu guvohnoma «Ommaviy axborot vositalari to'g'risida»gi O'zbekiston Respublikasi Qonuniga muvofiq berilgan.

O'zbekiston Respublikasining ommaviy axborot vositalari to'g'risidagi qonun hujjatlarini buzish O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlariga muvofiq jinoiy, ma'muriy, intizomiy va boshqa javobgarlikka sabab bo'ladi.



АСЛИГА ТЎҒРИ